

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖАҚСИБАЕВ РАШИД НИЕТАЛИЕВИЧ

**ГЕОФАЗОВИЙ МАЪЛУМОТЛАР АСОСИДА ЯЙЛОВ ЕРЛАРИ
ҲОЛАТИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ УСЛУБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)**

11.00.07 – Геоинформатика

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2024

УДК: 636.086.2 : 528.8 (575.172)(043)

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Жаксыбаев Рашид Ниеталиевич

Геофазовий маълумотлар асосида яйлов ерлари ҳолатини тадқиқ қилиш
услубини такомиллаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси
мисолида)..... 3

Жаксыбаев Рашид Ниеталиевич

Совершенствование методики исследования состояния пастбищных
земель на основе геопространственных данных (на примере Республики
Каракалпакстан) 21

Jaksibeav Rashid Nietalievich

“Improving the method of researching the condition of pasture lands based on
geospatial data (on the example of the Republic of Karakalpakstan)” 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖАҚСИБАЕВ РАШИД НИЕТАЛИЕВИЧ

**ГЕОФАЗОВИЙ МАЪЛУМОТЛАР АСОСИДА ЯЙЛОВ ЕРЛАРИ
ҲОЛАТИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ УСЛУБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)**

11.00.07 – Геоинформатика

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2024

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/T4051 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiiame.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Султашова Оралхан Генжебаевна география фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Тўраев Рухиддин Амиркулович техника фанлари доктори, профессор Пренов Шавкат Маметсалиевич география фанлари фалсафа доктори (PhD), доцент
Етакчи ташкилот:	Мирзо Улутбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.10.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2024 йил “29” Март соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (+99871) 237-09-71, факс: (+99871) 237-54-79, e-mail: admin@tiiame.uz)

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (318 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (+99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2024 йил “15” Март кuni тарқатилди.

(2024 йил “15” Март даги _____ рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Султанов

Бир марталик илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.А.Гаппаров

Бир марталик илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Э.Ю.Сафаров

Бир марталик илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш асосидаги бир марталик
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг турли минтақаларида кечаётган глобал иқлим ўзгариш жараёнлари чўл ўсимликлар билан қопланган ҳудудларда, айниқса, ёзда чорва боқиладиган ярим чўл минтақалардаги яйлов ерлари ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Табиий омилларнинг оқибатларини олдиндан огоҳлантириш, уларнинг таъсирларини камайтириш ҳамда яйлов ерларининг ҳолатини тадқиқ қилишда замонавий усуллардан фойдаланиш ҳозирги кун талабига айланиб бормоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида яйлов ерлари ҳолатини геофазовий маълумотлар асосида тадқиқ қилиш ҳамда рақамлаштиришни жорий этиш асосида яйлов ерларидан фойдаланувчиларни қисқа вақт оралиғида юқори аниқликдаги маълумотлар билан таъминлаш етакчи ўринни эгалламоқда. Шу жиҳатдан, яйлов ерлари ҳолати мониторингини олиб бориш ва ҳосилдорлик даражасини олдиндан башорат қилиш ҳамда уларнинг кўп йиллик маълумотлар базасини яратиш каби вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда ерни масофадан зондлаш ва геоахборот тизим технологияларидан фойдаланиб мазкур йўналишдаги тадқиқотларда, жумладан, чўл ҳудудларидаги ерлардан самарали фойдаланиш, атроф муҳит барқарорлигини таъминлаш ва иқлим ўзгариши натижасида юзага келадиган табиий жараёнларни ўрганишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга устувор масала сифатида қаралмоқда. Бу борада, мамлакатимизда геофазовий маълумотлар асосида глобал муаммоларнинг миллий ва минтақавий даражадаги ечимларини топишга, жумладан, табиий омилларини эътиборга олган ҳолда яйлов ерларининг ҳолатини тадқиқ қилишга қаратилган изланишларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда яйлов ерлардан оқилона фойдаланиш, уларнинг чўллашишга ва шўрланишини олдини олишга қаратилган қатор ислохотлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «...яйловлардан самарали фойдаланиш, қайта тиклаш ва ҳосилдорликни ошириш»¹ каби вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, мавсумий фойдаланиладиган яйлов ерларининг ҳолати тўғрисида қисқа вақт оралиғида ишончли маълумотларга эга бўлиш, ва улар асосида яйлов ерларидан фойдаланиш давомийлигини тўғри режалаштириш, табиий таъсирларнинг салбий оқибатлари ҳақида олдиндан огоҳлантириш ҳамда керакли чораларни кўришда рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда доимий маълумотлар билан янгиланиб бориладиган маълумотлар базасини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Ўзбекистон Республикасини Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони

тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 мартдаги 03-35-14-сон “Яйлов ва пичанзорлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги йиғилиш баёни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги 299-сонли “Маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика, фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. “Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш” ҳамда IV. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, сув муаммолари, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишларига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Соҳага тегишли илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, чорва молларининг яйлов ўсимликларига таъсирини илмий асослаш, яйлов ерларининг чўлланиш даражасини аниқлаш, қуруқ дашт яйлов ерларидаги ўсимлик қопламани баҳолаш, яйлов ўсимликларини геоботаник хариталарини тузиш, яйлов ерларига иқлим омилларининг таъсирини илмий асослаш каби бир қатор илмий тадқиқот ишлари хорижий ва республикамиз олимлари томонидан олиб борилган. Яйлов ерларини ГАТ технологиялари ва масофадан зондлаш маълумотлари асосида тадқиқ қилишнинг назарий ҳамда услубий асосларини хорижий давлатлар олимларидан С.Н.Гаськов, Н.С.Карпов, Факхире Акбар, О.М.Бердаева, Е.И.Троева, А.К.Саидов, Е.В.Понькина, М.Ж.Махамбетовлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган бўлса, яйлов ерлари ва ўсимликлар ҳолатини вегетация кўрсаткичи асосида ўрганиш бўйича С.С.Шинкаренк, Л.Д.Немцева, С.ДI Bella, Osvaldo Jose Ribeiro Pereira, Lenardo Parente, Laerte Ferreira, Juline Oliveria, Sana Piyas, T.Berdimbetov ва бошқалар тадқиқот ишларини олиб борган ҳамда улар томонидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг аксарияти бугунги кунда фойдаланилмоқда.

Республикамиз олимларидан яйлов ерларидан фойдаланишни тадқиқ қилишда С.А.Авезбаев, А.С.Чертовичкий, Ш.К.Нарбаев, У.Норқулов, Ҳ.Шералиев, З.Ш.Шамсутдинов, Г.А.Талипов, М.И.Рўзметов, О.Ў.Давроновлар томонидан аҳамиятли изланишлар олиб борилган, ҳамда илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган. Замонавий ГАТ технологиялари ва масофадан зондлаш маълумотлари ёрдамида ерларнинг ҳолати, ўсимликлар ҳосилдорлиги, табиий таъсирларни баҳолаш ва уларни хариталарини тузиш ишларини амалга оширишда Э.Ю.Сафаров, П.Р.Реймов, И.М.Мусаев, Ш.С.Шокиров, С.Н.Абдурахмонов, М.П.Реймов, Р.К.Ойматов, А.Н.Инамов, Ж.В.Герц, Я.Г.Худайбергенов, Б.У.Актамов, К.К.Беканов, З.Ж.Маматқулов ва бошқа олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган ҳамда кўзланган

натижаларга эришилган. Таъкидлаш лозимки, мазкур тадқиқот ишларининг натижаларини инкор этмаган ҳолда, Ўзбекистонда яйлов ерларини тадқиқ қилишда илмий ва амалий тадқиқот натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда илмий ишларда геофазовий маълумотлардан фойдаланган ҳолда иқлим шароити ноқулай бўлган яйлов ерларнинг ҳосилдорлигини аниқлаш ишлари етарли даражада ўрганилмаган. Шу сабабли яйлов ерларининг ҳолатини ГАТ технологиялар ва масофадан зондлаш маълумотлари ёрдамида тадқиқ қилишни такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти иши “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ, «ГАТ дастурлари асосида ерларни сифат ҳисоби маълумотлари базасини яратиш» (2020–2022), Европа иттифоқи томонидан эълон қилинган Эрасмус+ 585718-EPP-1-2017-1-HUEPPKA2-SVNE-JP «DSinGIS: Геоинформатика соҳасида докторантура» халқаро лойиҳаси (2017–2020) ва 597985-EPP-1-2018-1-KZ-EPPKA2-SVNE-JP «NICOPA: Аниқ (координатали) қишлоқ хўжалиги учун янги ва инновацион курслар» (2019–2023) мавзусидаги тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади геофазовий маълумотлар асосида яйлов ерларининг ҳолатини тадқиқ қилиш услубини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

яйлов ерларнинг ҳолатини ўрганиш, уларни тадқиқ қилиш бўйича хорижий ва маҳаллий тажрибаларни таҳлил қилиш;

геофазовий маълумотлар ва спектрал индекслардан фойдаланган ҳолда яйлов ерлари ҳосилдорлигини аниқлашни такомиллаштириш;

яйлов ерларининг ҳолатига табиий омилларнинг салбий таъсирларини баҳолашда замонавий ёндашувлар ишлаб чиқиш;

яйлов ерларидан самарали фойдаланишни автоматлаштириш мақсадида электрон маълумотлар базаси ва ахборот тизимини яратиш;

яйловлар трансформациясини таҳлил қилиш ва баҳолашда геоинформацион усуллардан фойдаланиш.

Тадқиқот объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикаси яйлов ерлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети яйлов ерларнинг индикацион белгилари, уларнинг спектрал тавсифлари, ерни масофадан зондлаш маълумотлари, ГАТ технологиялари асосида яратилган тасвирлар ва дастурлаш тили ёрдамида яратилган маълумотлар базаси ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида дала тадқиқотлари, геоахборот технологиялари дастурлари, дала ишлари, лаборатория таҳлили, ҳудудий статистика, ерни масофадан зондлаш усуллари, географик таҳлил, картографик ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

масофадан зондлаш ва трансект усулларида олинган маълумотларни ГАТ технологияларида қайта ишлаш орқали яйлов ерларининг ҳосилдорлигини аниқлаш усули такомиллаштирилган;

табiiй омилларнинг (тупроқ шўрланиши, тупроқ юза ҳарорати ва ёғингарчилик миқдори) яйлов ерларига таъсирини баҳолаш усули геофазовий маълумотлар ва ГАТ технологияларини қўллаш асосида такомиллаштирилган;

веб дастурлаш тиллари (PHP, HTML, CSS, JavaScript) асосида яйлов ерларининг ҳолатини кўрсатиб берувчи “Automated Pasture Information System” дастурий воситаси ҳамда маълумотлар базаси ишлаб чиқилган;

яйлов ерлари ҳосилдорлиги ҳолатининг истиқболдаги ўзгариш динамикасини геоинформацион баҳолаш усули такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

масофадан зондлаш ҳамда трансект усулларида олинган маълумотлардан фойдаланган ҳолда яйлов ерларининг ҳосилдорлигини яшил ва қуруқ биомасса ҳолатида миқдорий аниқлаш имконияти яратилган;

яйлов ерлари ҳолатига табiiй омилларнинг салбий таъсирларини геофазовий маълумотлардан тупроқ шўрланиши, тупроқ юза ҳарорати ва ёғингарчилик миқдорларини таҳлил қилиш асосида баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган;

яйлов ерларидан самарали фойдаланишни автоматлаштириш мақсадида яйлов ерлари ҳосилдорлиги, табiiй омилларнинг салбий таъсирларини акс эттирувчи визуал-рақамли ахборотларни ўз ичига олган маълумотлар базаси ҳамда “Automated Pasture Information System, APIS” дастурий воситаси яратилган;

замонавий ёндашувлар асосида тадқиқот ҳудуди яйлов ерларининг трансформацияси ва улардан истиқболда фойдаланиш имкониятларини баҳолашда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Мелиоратив экспедицияси ташкилоти, Қорақалпоғистон Республикаси Гидрометеорология бошқармаси материалларидан фойдаланилганлиги, тадқиқотлардан эришилган натижалар амалиётга жорий этилганлиги ва ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг **илмий** аҳамияти масофадан зондлаш ва трансект усулларида олинган маълумотларни ГАТ технологияларида қайта ишлаш орқали яйлов ерларининг ҳосилдорлигини аниқлаш усули такомиллаштирилганлиги, табiiй омилларнинг (тупроқ шўрланиши, тупроқ юза ҳарорати ва ёғингарчилик миқдори) яйлов ерларига таъсирини баҳолаш усули геофазовий маълумотлар ва ГАТ технологияларини қўллаш асосида такомиллаштирилганлиги, яйлов ерлари ҳосилдорлиги ҳолатининг

истикболдаги ўзгариш динамикасини геоинформацион баҳолаш усули такомиллаштирилганлиги, веб дастурлаш тиллари асосида яйлов ерларининг ҳолатини кўрсатиб берувчи “Automated Pasture Information System” дастурий воситаси ҳамда маълумотлар базасини яратишнинг услубияти ва технологияси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг **амалий** аҳамияти яйлов ерлари ҳолатини белгилашда геофазовий маълумотларни ГАТ технологияларида қайта ишлаш натижасида олинган рақамли ва тасвирли маълумотларни кўрсатиб берувчи, дастурлаш тиллари ёрдамида ишлаб чиқилган дастурий воситанинг яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон Республикасининг яйлов ерлари ҳолатини геофазовий маълумотлар асосида тадқиқ қилиш услубини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклифлар асосида:

масофадан зондлаш ва трансект усулларида олинган маълумотларни ГАТ технологияларида қайта ишлаш орқали яйлов ерларининг ҳосилдорлигини аниқлаш усулини такомиллаштириш таклифи Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Мўйноқ тумани бўлими фаолиятида фойдаланилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 11 сентябрь 01/010-3275 сон маълумотномаси). Натижада яйлов ерларидан фойдаланишда ҳосилдорликни олдиндан белгилаш ва йиллар давомида яйлов ерлари ўсимликлари ҳосилдорилик ҳолатининг ўзгариш жараёнларини тез ва сифатли мониторинг қилишга эришилган;

табiiй омилларнинг (тупроқ шўрланиши, тупроқ юза ҳарорати ва ёғингарчилик миқдори) яйлов ерларига таъсирини баҳолаш усулини геофазовий маълумотлар ва ГАТ технологияларини қўллаш асосида такомиллаштириш таклифи Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Мўйноқ тумани бўлими фаолиятида фойдаланилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 11 сентябрь 01/010-3275 сон маълумотномаси). Натижада яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда давлат назоратини амалга ошириш имкони яратилган;

веб дастурлаш тиллари (PHP, HTML, CSS, JavaScript) асосида ишлаб чиқилган ва яйлов ерларининг ҳолатини кўрсатиб берувчи “Automated Pasture Information System” дастурий воситаси Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Мўйноқ тумани бўлими фаолиятида фойдаланилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 11 сентябрь 01/010-3275 сон маълумотномаси). Натижада яйлов ерларидан фойдаланишда яйлов алмашиш ишларини амалга ошириш ва чорва бош сонларини белгилаб бериш имконияти яратилган;

яйлов ерлари ҳосилдорлиги ҳолатининг истикболдаги ўзгариш динамикасини геоинформацион баҳолаш усулини такомиллаштириш таклифи Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятида фойдаланилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 11 сентябрь 01/010-3275 сон маълумотномаси). Натижада яйловларнинг ҳолатини

яхшилаш, уларнинг ҳосилдорлигини башорат қилиш ва истиқболли режалаштириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 4 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 3 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предметлари кўрсатилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлиги, назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Яйлов ерларининг ўрганилганлик даражаси ва табиий-географик хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида тадқиқот ҳудудининг табиий шароитлари, географик ўрни, тупроқ турлари ва яйлов ерларида учрайдиган ўсимлик қопламаниннг тарқалиш қонуниятлари ўрганиб чиқилган. Яйлов ерларини тадқиқ қилишда яйлов ерларининг турлари, уларда учрайдиган ўсимлик хилларига асосланган ҳолда боқиладиган чорва турлари ҳам белгилаб олинган. Мавжуд яйлов ерларининг бугунги кундаги ҳолати сатистик таҳлил қилинган ва уларнинг жамиятимиздаги тутган ўрни атрофлича ёритиб берилган.

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг жами пичанзор ва яйлов ерлари 21253.1 минг гектарни ташкил қилади. Шундан, 5265.9 минг га (24.7%) Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудудига тўғри келади. Бу Қорақалпоғистон Республикаси умумий ер майдонининг 31.6 % ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида суғориладиган яйлов ерлари жуда тақчил бўлиб, мазкур яйлов ерларининг асосий қисми Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашкан. Мавжуд 42 минг гектар суғориладиган пичанзор ва яйлов ерларининг 85.0% яъни 35.7 минг гектар Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудига тўғри келади. Бу Қорақалпоғистон Республикаси умумий суғориладиган ер майдонларининг 6.9% ни ташкил этади (1-расм).

Мазкур тадқиқот йўналишида хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан олиб борилган илмий изланишлар батафсил ўрганиб чиқилган. Натижада, яйлов ерларини тадқиқ қилишда қўлланиладиган ГАТ технологиялари ва зарур спектрал индекс белгилаб олинган.



1-расм. Мавжуд яйлов ерларининг тақсимоти


Яйлов ерларидан фойдаланишни оқилона режалаштириш ва уларнинг бугунги кундаги ҳолатига табиий омилларнинг салбий таъсирларини эътиборга олган ҳолда баҳолашда ГАТ технологиялари ҳамда масофадан зондлаш маълумотларини қўллаш давлатимиз томонидан белгилаб олинган мақсадларни амалга оширишни таъминлашда хизмат қилади.

Диссертациянинг «**Яйлов ерларини геоинформацион тадқиқ қилишнинг услубий ёндашувлари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ҳудуди бўйича яйлов ва ем-хашак етиштириш мақсадида фойдаланиладиган ерларнинг ҳосилдорлигини аниқлаш, уларга табиий омилларнинг салбий таъсирларини баҳолашда ГАТ технологиялари ва масофадан зондлаш маълумотларидан фойдаланиш йўллари тадқиқ қилинган.

Масофадан зондлаш усуллари ёрдамида олинган кўп спектрли тасвирларнинг аниқлик даражалари ва тадқиқот ҳудудининг майдон ўлчамларига асосланган ҳолда Landsat 8 сунъий йўлдоши тасвирларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги белгилаб олинди. Тасвирларини қайта ишлаш тадқиқот йўналишида қулайлик даражаларидан келиб чиққан ҳолда ArcGIS дастуридан фойдаланиб тадқиқотда белгиланган мақсадларни амалга оширишда хизмат қилиши асосланди.

Тадқиқот давомида жами ўн бешта сунъий йўлдошдан олинган суратларни дешифровка қилиш асосида ҳудуднинг вегетация давридаги яшил ўсимлик билан қопланиш тасвири аниқланди (2-расм).

Мақсадли олиб борилган тадқиқотлар натижасида NDVI ҳисоблаш формуласи яйлов ерлари ўсимлик қопламининг ҳосилдорлигини аниқлашда энг самарали рақамли кўрсаткич эканлиги аниқланди.



2-расм. а) Landsat 8 сунъий йўлдошидан олинган суратлар фотоплани, б) ГАТ технологиялари асосида тузилган ортофотоплани

Худуддаги мавжуд ўсимлик қоплами дала тадқиқотлари ва NDVI кўрсаткичларига асосланиб сийрак ҳамда зич ўсимликлар турларига ажратилди. Натижада, яйлов ерларининг ҳосилдорлик ҳолатини аниқлаш усуллари такомиллаштирилди (1-жадвал).

1-жадвал

NDVI индекси қиймати ва ўсимлик қопламини синфларга ажратиш

Синф	Л.Д. Немцева томонидан келтирилган синфланиш		Тадқиқот натижалари бўйича синфланиши	
	NDVI	Юза типлари	NDVI	Юза типлари
1	>0.7	Зич ўсимликлар	>0.7	Зич ўсимликлар
2	0.5-0.7		0.5-0.7	
3	0.3-0.5	Сийрак ўсимлик	0.2-0.5	Сийрак ўсимлик
4	0.0-0.3	Тупроқ ва қуруқ ўсимликлар	0.0-0.2	Тупроқ ва қуруқ ўсимликлар
5	<0.0	Сув	<0.0	Сув


Тадқиқот худудининг яшил ўсимлик билан қопланиш ҳолати, тупроқ турлари ва сув билан таъминланганлик даражаларига асосланган ҳолда яйлов ерларидан фойдаланиш йўналишлари ажратиб олинди (3-расм).

Тадқиқот худудидаги яйлов ерларининг ҳосилдорлик даражаси энг кўп ўзгаришларга учраган қисмининг (3-расм, с худуд) ўсимлик турлари аниқланди.

Яйлов ерларидаги ўсимлик қопламининг ҳосилдорлигига табиий омилларнинг салбий таъсирларини аниқлашда тупроқ шўрланиши, тупроқ юзаси ҳарорати, кузатилган ёғингарчилик миқдорлари кўрсаткичларидан

фойдаланиш белгилаб олинди. Мазкур омилларнинг ўсимлик ҳосилдорлигига боғлиқлик даражасини чизикли корреляцион усулда аниқлаш белгиланди.

Олиб борилган изланишларда яйлов ерларидаги кузатиладиган ёғингарчиликни геовизуал таҳлил қилишда PERSIANN маълумотларидан фойдаланиш анча самарали эканлиги маълум бўлди.



3-расм. Тадқиқот ҳудудини ўрганишнинг асосий йўналишлари

Тупроқ шўрланиш ҳолатларини белгилашда кўп спектрли тасвирлардан шўрланиш индекси (Salinity index, SI) ёрдамида аниқлаш анча самара бериши маълум бўлди, ва қуйидаги формуладан фойдаланилди.

$$SI = \sqrt{NIR \times Red} \quad (1)$$

Бу ерда: SI – шўрланиш индекси; NIR-спектрнинг инфрақизилга яқин ва Red-спектрнинг қизил рангда акс этишидир (A.Dehni ва бошқалар).

Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши тупроқдаги ҳароратга боғлиқ бўлиб, агар ҳарорат ўсимлик учун зарур бўлган миқдордан ошса, ўсимликнинг нобуд бўлишига олиб келади. Тупроқ ҳароратини аниқлаш ишлари тупроқ юзаси ҳарорати (Land surface temperature, LST) спектрал ҳисоблаш математик тенгламасидан фойдаланиб амалга оширилди.

Тупроқ юзаси ҳароратини (LST) ҳисоблашда юқори атмосфера нурланишини (Top of Atmosphere, TOA) аниқлаш керак бўлади. У қуйидаги формула асосида аниқланди:

$$L_{\lambda} = (M_L \times Q_{cal}) + A_L - O_i \quad (2)$$

Бу ерда: L_λ - атмосфера юқори қисмининг нурланиши; M_L - спектрга хос қайта масштаблаш коэффициент; Q_{cal} - 10 диапазондаги тасвир маълумоти; A_L - спектрга хос қайта ўлчаш; O_i – спектр учун тузатиш қиймати (U.Advan ва бошқалар).

Сўнгра сунъий йўлдош ёруғлигининг самарали ҳарорати аниқланади:

$$B_T = \frac{K_2}{\ln \frac{K_1}{L_\lambda} + 1} - 273.15 \quad (3)$$

Бу ерда: -273.15 – мутлоқ ноль, маълумот Келвин (К) шкаласида бўлганлиги сабабли Цельсий (°C) шкаласига айлантириш учун фойдаланилди; B_T – сунъий йўлдош ёруғлигининг самарали ҳарорати °C; K_1 , K_2 – ишга туширишдан олдинги калибрлаш константалари (мета маълумотларида берилади, U.Advan ва бошқалар).

Сўнг юза эмиссияси (ε) аниқланади. Унинг учун аввало ҳар бир пикселдаги вегетация нисбатини (P_V) аниқлаш керак ва у қуйидаги формула асосида аниқланди:

$$P_V = \left(\frac{NDVI - NDVI_L}{NDVI_H - NDVI_L} \right)^2 \quad (4)$$

Бу ерда: P_V - ҳар бир пикселдаги вегетация нисбати; NDVI – нормаллаштирилган вегетация индекси; $NDVI_L$ - нормаллаштирилган вегетация индексининг минимум қиймати; $NDVI_H$ - нормаллаштирилган вегетация индексининг максимум қиймати (U.Advan ва бошқалар).

Тадқиқот объектида зич ўсимликлар қоплами қолмаганлиги сабабли, изланишлар сийрак ўсимликларнинг ҳолатини аниқлаш бўйича амалга оширилишини эътиборга олган ҳолда (минимал NDVI қиймат 0,2 ва максимал NDVI қиймат 0,5) тупроқ юзаси эмиссияси қуйидаги формула ва унинг тузатиш қийматлари билан бирга қабул қилинди ва қуйидагича аниқланди:

$$\varepsilon = 0.004 \times P_V + 0.986 \quad (5)$$

Бу ерда: ε - тупроқ юзаси эмиссияси (P.W.Mwangi ва бошқалар)

Зарур ҳисоблашларни амалга оширгандан сўнг, тупроқ юзаси ҳароратини ҳисоблаш босқичига келинди ва у қуйидаги формула ёрдамида аниқланди:

$$T_s = \frac{B_T}{\{1 + [(\frac{\lambda B_T}{\rho}) \times \ln \varepsilon]\}} \quad (6)$$

Бу ерда: T_s - тупроқ юзаси ҳарорати °C; B_T - сунъий йўлдош ёруғлигининг самарали ҳарорати °C; λ - чиқарилган нурланишнинг тўлқин узунлиги (U.Advan ва бошқалар); $\rho = h \times \frac{c}{\sigma}$ ($1.438 \times 10^{-2} \text{ m} \times \text{K}$); σ = Больцман константаси ($1.38 \times 10^{-23} \text{ J/K}$); h = Планк константаси ($6.626 \times 10^{-34} \text{ J} \times \text{s}$); c = ёруғлик тезлиги ($2.998 \times 10^8 \text{ m/s}$).

Белгилаб олинган усуллардан фойдаланган ҳолда яйлов ерларини тадқиқ қилишнинг механизми ишлаб чиқилди (4-расм).




4-расм. Яйлов ерларини тадқиқ қилиш механизми

Яйлов ерларини тадқиқ қилишда белгилаб олинган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган механизм яйлов ерларининг турлари, ўсимликларнинг ҳосилдорлиги, тупроқ шўрланиш даражалари, тупроқ ҳарорати ва ёғинганчилик миқдорлари тўғрисидаги маълумотларни замонавий ГАТ дастурлари ёрдамида геофазовий маълумотлар билан интеграция қилиш орқали маълумотлар базаси ҳамда ахборот тизимини шакллантиришни ўз ичига олади.

Диссертациянинг «Яйлов ерларини ўрганишда замонавий технологияларни қўллаш усуллари такомиллаштириш» деб номланган учинчи бобда ГАТ технологиялари ёрдамида қайта ишланган масофадан зондлаш маълумотларининг ишончлилиқ даражасини дала тадқиқотлари натижалари асосида белгилаш, уларни умумлаштириш, натижада маълумотлар базаси ва ахборот тизимини яратиш, тадқиқот ҳудудининг табиий шароитлари ҳамда уларда кузатилаётган табиий жараёнлар негизида яйлов ерлари ҳосилдорлик ҳолатининг ўзгариш динамикасини баҳолаш масалалари ёритилган.


Дала тадқиқотларини олиб бориш натижасида, тадқиқот ҳудудида жойлашган Учсой ва Жилтирбас қўлларидаги яйлов ерларида асосан пичан ўсимликларидан қамиш (*Phragmites Adans*) чорва моллари томонидан истемол қилинишини эътиборга олган ҳолда мазкур ўсимликнинг ҳосилдорлик ҳолати ва миқдори аниқланди.

Тадқиқот натижасида сийрак ўсимликлар қоплами бир гектар майдонда яшил биомасса 130 центнер, курук ҳолда эса 59.3 центнер ҳосил беришини, олиб борилган изланишлар таҳлилларига кўра зич ўсимлик қоплами 2022 йилга келиб тадқиқот ҳудудида умуман қолмаганлигини кўрсатди. Тадқиқот объекти умумий майдонининг сийрак ўсимлик қоплами билан қопланиши энг кўп кузатилган йил 2016 йилга тўғри келиб 28.6 % ни ташкил қилган. 2022 йил ҳолатига эса, бу кўрсаткич 4.2 % ни ташкил қилмоқда. Бундан кўринадики, энг паст ҳосилли бўлган йилда ҳосилдорлик 85 % га камайиб, мазкур кўрсаткич сийрак ўсимликлар билан қопланган майдонлар 200 минг гектарга камайганлиги аниқланди (5-расм).



5-расм. Худудда ўсимлик қопламанинг ўзгариш ҳолати

Яйлов ўсимликларига табиий омилларнинг салбий таъсирларини спектрал тасвирлар ёрдамида аниқлаш ишлари олиб борилганда ҳудудда ўртача шўрланиш ҳолатлари ортганлиги маълум бўлди (6-расм).



6-расм. Худудда тупроқ шўрланишининг ўзгариш ҳолати

Тадқиқот ҳудудида сўнги йилларда тупроқ шўрланиши ҳолати ортиб бормоқда. Ўртача шўрланган ерлар майдони 2017 йил 34.6 % бўлган бўлса 2022 йилга келиб мазкур кўрсаткич 23.8 % га, яъни 200 минг гектар атрофида кўпайиб жами майдоннинг 58.4 % ни ташкил этган. Кучли шўрланган ерлар майдони 2018 йилгача камайишда давом этган бўлса ҳам сўнги беш йил ичида 12.3 % га, 100 минг гектарга ортган.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ўта кучли шўрланган ерлар (шўрхок) асосан Балиқчилик қўлтиғи, Орол денгизининг қуриган тубига яқин ерларда ва Судочье қўлларининг қуриган қисмларида кўпайган. 2015 йилларда шўрхок ерлар жами тадқиқот ҳудуди майдонининг 1.6 % ни ташкил этган. Лекин, 2018 йилгача мазкур ерлар майдони 0.4 % ни қамраб олган. Бинобарин, сўнги беш йилда шўрхок ерлар майдони 1.3 % га яъни 11 минг гектарга кўпайган. Сўнги йилларда мазкур ҳудудда ерларнинг шўрланиш ҳолатлари кучайган.

Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда 28 °С (июнь ойи ҳолатига) тупроқ ҳароратига эга ер майдонлари сув манбаси, нам тупроқ ёки ўсимлик қоплами жойлашган ерлар деб қабул қилинди. Сўнги беш йилда июнь ойида 28 °С ҳароратдан паст ёки тенг бўлган тупроқ майдонлари деярли 20 % га, яъни, 168 минг гектарга камайган. Мазкур ҳароратга эга майдонлар 2018 йилда тадқиқот ҳудуди умумий майдонининг 27 % ни ташкил қилган бўлса 2022 йилга келиб 7.5 % ни ташкил этмоқда.


Ўсимлик билан қопланган майдонларнинг кескин камайиши тупроқдаги шўрланиш даражасининг ортишига сабаб бўлди. Натижада, паст ҳароратли тупроқ майдонларининг қисқаришига олиб келиши аниқланди.

Белгилаб олинган усул натижасида ўсимлик ҳосилдорлиги тупроқ шўрланиши билан корреляцион боғлиқлиги $r^2=-0.84$ ни, ўсимлик ҳосилдорлиги тупроқ юзаси ҳарорати билан корреляцион боғлиқлиги $r^2=0.67$ ни кўрсатди, лекин қамиш ўсимлигининг ҳосилдорлиги ёғингарчилик миқдорининг кузатилишига таълуқли эмаслиги маълум бўлди. Корреляцион боғлиқлиги ўрганилганда $r^2=-0.15$ га тенг бўлди.

Юқорида келтирилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда яйлов ерларидан самарали фойдаланишни автоматлаштириш мақсадида яйлов ерлари ҳосилдорлиги, табиий омилларнинг салбий таъсирларини кўрсатиб берувчи тасвирий-рақамли ахборотлар билан таъминланган маълумотлар базаси - “Automated Pasture Information System” дастурий воситаси яратилди.

Автоматлашган яйлов ахборот тизими мижоз-сервер технологияси асосида ишлайдиган гиперматнли препроцессор PHP (Hypertext Preprocessor) дастурлаш тилидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилди. Тизим учун маълумотлар базасини ишлаб чиқишда структуравий сўровлар тили (Structured Query Language) асосида ишлайдиган MySQL маълумотлар базасини бошқариш тизимидан фойдаланилди. Мазкур ахборот тизими маълумотлар базаси 14 та жадвалдан ташкил топган бўлиб барча жадваллар months (ойлар) ва years (йиллар) устунларига эга. Ушбу устунларда мос ой ва йилларнинг матнли кўринишидаги номи сақланади. Жадваллар ID рақамлар орқали бошқа жадваллар билан боғланган. Ушбу тизим лойиҳаланган ва


ишлаб чиқилган маълумотлар базаси ёрдамида маълумотларга ишлов беради (7-расм).



7-расм. “Automated pasture information system, APIS” ахборот тизими архитектураси

Мазкур яратилган ахборот тизими ёрдамида фойдаланувчи яйлов ерларининг ҳолати, ўсимлик қопламининг ўзгариши ва уларнинг ҳосилдорлиги, тупроқ шўрланишининг ўзгариши ва тупроқ юзаси ҳарорати тўғрисида маълумотларга эга бўлиши мумкин. Натижада яйлов ерларидан фойдаланувчиларни зарур тасвир ва рақамли маълумотлар билан таъминлаш ва уларнинг иш самарадорлигини оширишга эришилди.

Дала тадқиқотлари ва масофадан зондлаш маълумотларининг статистик таҳлиллари натижасида тадқиқот ҳудудидаги яйлов ерлари ҳосилдорлигининг истикболда кузатиладиган ўзгариш ҳолатлари белгилаб олинди (8-расм).



8-расм. Яйлов ерлари ҳосилдорлигининг ўзгариш динамикаси

Тадқиқот ҳудудининг йўналишлари тўғрисида келтирилган маълумотларга кўра а ва е ҳудудлари ерларидан яйлов ерлари сифатида фойдаланишда унинг ҳосилдорлиги табиий шароитга, айниқса ёғингарчиликнинг кузатилиш ҳолатига узвий боғлиқ. Қолган йўналишлардаги б, с ва д ҳудудлари ерларидан яйлов ерлар сифатида фойдаланиш табиий шароитга боғлиқ бўлса ҳам асосан антропоген таъсирлар, илмий-техник ва инновацион ишларнинг олиб борилишига боғлиқ эканлиги аниқланди.

Яйлов ерларидан фойдаланишда геоинформацион усулларни қўллаш ҳамда уларнинг табиий шароити ва географик жойлашувларини эътиборга олган ҳолда яйлов ерларидан фойдаланиш ҳудудларига ажратиш ва уларнинг кейинги даврлардаги ҳолатларини башорат қилиш, яйлов ерларидан самарали фойдаланишда, улардан фойдаланишни оқилона режалаштиришда, келгусида боқиладиган чорва моллари сонларини аниқ белгилаб беришда ҳамда ҳосилдорлигини орттиришда катта ёрдам беради.

ХУЛОСАЛАР

“Геофазовий маълумотлар асосида яйлов ерлари ҳолатини тадқиқ қилиш услубини такомиллаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Хорижий ва республика олимлари томонидан яйлов ерларининг ҳолатини ГАТ технологиялари ва масофадан зондлаш маълумотлари ёрдамида ўрганиш бўйича тадқиқотлар таҳлили, тадқиқот ҳудудининг табиий-географик жойлашуви, иқлим шароитлари; замонавий ҳамда анъанавий усулларда олиб борилган тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш негизида яйлов ерларини тадқиқ қилиш ёндашувлари ишлаб чиқилди ҳамда тадқиқот ҳудуди яшил ўсимлик билан қопланиш ҳолати, тупроқ турлари ва сув билан таъминланиш кўрсаткичларига кўра а, б, с, д ва е ҳудудларига ажратилди.

2. Яйлов ерлари ўсимликларининг яшил ва қуруқ биомассаси геофазовий маълумотлардан фойдаланган ҳолда аниқланди (с ҳудуд). Шунингдек, сийрак ўсимлик билан қопланиш ҳолати 2016 йилда ҳудуднинг 28.6 % ни ташкил қилган бўлса, 2022 йил ҳолатига 85 % га камайиб 4.2 % ни ташкил этган, яъни, қарийб 200 минг гектарга камайган. Ўз навбатида ҳосилдорлик ҳолати яшил биомасса ҳолида 2016 йилда 31.7 миллион центнерни ташкил этган бўлса, 2022 йилда мазкур кўрсаткич 4.7 миллион центнерга тўғри келиб, етти баробарга камайгани аниқланди.

3. Яйлов ерларига табиий омилларнинг салбий таъсирлари ГАТ технологиялари ва масофадан зондлаш маълумотлари ёрдамида аниқланди (с ҳудуд). Асосан, тупроқ шўрланиш ҳолатлари дала тадқиқотлари натижалари билан умумлаштирган ҳолда синфларга ажратилди ва миқдорий кўрсаткичларга эга бўлинди. Унга кўра, ўртача шўрланган ерлар 2017 йил ҳолатига 34.6 % ни ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб мазкур кўрсаткич қарийб 200 минг гектар майдонга кўпайган. Кучли шўрланган ерлар майдони сўнги беш йилда 12.3 % га, шўрхок ерлар майдони 1.6 % га кўпайганлиги

аниқланди. Шунингдек, ўсимлик ривожланиши учун зарур бўлган фойдали тупроқ ҳароратлари ўрганилиб июнь ойи ҳолатида 28 °C гача бўлган ҳарорат нисбатан нам ва ўсимлик билан қопланган ерларга тўғри келиши маълум бўлди. Бу тоифадаги тупроқ ҳароратига эга майдонлар сўнги беш йилда қарийб 168 минг гектарга камайган. Мазкур ҳароратга эга майдонлар 2022 йилда тадқиқот ҳудудининг 7.5 % ни ташкил этиши аниқланди.

4. Тадқиқот ҳудудининг йўналишларига хавф солаётган қурғоқчилик турларидан Устюрт платосидаги қисмига (а ҳудуд) метеорологик қурғоқчилик, Орол денгизининг қуриган тубига энг яқин ҳудудида (с ҳудуд) кишлоқ хўжалиги қурғоқчилиги, Амударё дельтасидаги ҳудудга (д ҳудуд) гидрологик қурғоқчилик хавф солиши эҳтимоли аниқланди.

5. Замонавий усуллар ёрдамида олинган маълумотлардан табиий омилларнинг яйлов ўсимликларига таъсир даражалари чизиқли корелляциян усулда баҳоланди. Натижада ўсимлик қопламларининг майдонлари камайиш давомида ернинг намлик даражалари ҳам камайиши ($r^2= 0.67$), ҳамда тупроқ шўрланиш даражалари ортиши маълум бўлди ($r^2= -0.84$). Лекин яйлов ўсимлик турларидан бири бўлган қамиш (*Phragmites Adans*) ўсимлиги ёғингарчилик миқдорида деярли таъсирчан эмаслиги аниқланди ($r^2=-0.15$).

6. Геозафвий маълумотларни қайта ишлаш ва таснифлаш усулларидадан фойдаланган ҳолда яйлов ерлари ҳосилдорлигини аниқлашда ишлаб чиқилган механизмдан фойдаланиш тавсия этилади.

7. Масофадан зондлаш маълумотларини таҳлил қилиш орқали олинган натижалар асосида яйлов ерларининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва уларни РНР дастурлаш тили ёрдамида қайта ишлаш алгоритмларини қўллаш, қайта ишлаш орқали олинган натижаларни фойдаланувчига қулай форматда тақдим этишни JavaScript дастурлаш тили ёрдамида амалга ошириш тавсия этилади.

8. Ўсимлик ҳосилдорлигининг миқдорлари ва ўсимлик билан қопланган ерлар майдони, шўрланишга юз тутган ерлар майдони ҳамда тупроқ юзаси ҳарорати тўғрисида рақамли-геовизуал маълумотлар олиш имкониятини берувчи “Automated pasture information system, APIS” дастурий воситаси яратилди. Натижада яйлов ерлардан самарали фойдаланишни олдиндан режалаштириш имконияти пайдо бўлди.

9. Тадқиқот ҳудудининг ўсимлик билан қопланиш ҳолати, сув билан таъминланиш даражаси ва тупроқ турларини эътиборга олган ҳолда яйлов ерларидан фойдаланиш йўналишларига ажратиб чиқилди ҳамда кузатилаётган табиий омилларнинг ўзгаришларини эътиборга олган ҳолда мазкур ҳудудлардан истиқболда фойдаланиш имкониятлари баҳоланди ва келтирилган башоратлар асосида иш юритиш тавсия этилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
“ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА”**

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ
“ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА”**

ЖАКСЫБАЕВ РАШИД НИЕТАЛЫЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ИССЛЕДОВАНИЯ
СОСТОЯНИЯ ПАСТБИЩНЫХ ЗЕМЕЛЬ НА ОСНОВЕ
ГЕОПРОСТРАНСТВЕННЫХ ДАННЫХ
(на примере Республики Каракалпакстан)**

11.00.07 – Геоинформатика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве Высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером В2023.3.PhD/Г4051

Диссертация выполнена в Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства».

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tiame.uz), и на информационно-образовательном портале Ziyonet по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Султашова Оралхан Генжебаевна кандидат географических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Тураев Рухиддин Амиркулович доктор технических наук, профессор Пренов Шавкат Маметсалиевич доктор философий (PhD) по географическим наукам, доцент
Ведущая организация:	Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Защита диссертации состоится «29» Март 2024 года в 14⁰⁰ часов на заседании Разового научного совета при Научном совете DSc.03/30.12.2019.T.10.02 Национального исследовательского университета «Ташкентский институт ирригации и механизации сельского хозяйства». (Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары-Ниязий, 39. Тел.: (99871) 237-09-71, Факс: (99871) 237-54-79, e-mail: admin@tiame.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального исследовательского университета «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» (регистрационный № 318). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары-Ниязий, 39. Тел.: (99871) 237-19-45.

Автореферат диссертации разослан «15» Март 2024 года.
(Реестр протокола рассылки № _____ от «15» Март 2024 года.)




Т.З. Султанов
Председатель Разового научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор


Ф.А. Ганнаров
Ученый секретарь Разового научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор


Э.Ю. Сафаров
Председатель Разового научного семинара при Разовом научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Процессы глобального изменения климата в различных регионах мира оказывают негативное влияние на урожайность пастбищных земель на территориях, покрытых пустынной растительностью, особенно в полупустынных регионах, где летом пасется скот. Раннее предупреждение последствий природных факторов, снижение их воздействия, в развитых странах мира занимает ведущее место при предоставлении данных высокого разрешения пользователям пастбищных земель за короткий промежуток, путём исследования состояния пастбищных земель на основе геопространственных данных и внедрения цифровизации. В связи с этим особое внимание уделяется реализации таких задач, как мониторинг состояния пастбищных земель и прогнозирование уровня урожайности, а также созданию их многолетней базы данных.

В мире, исследования с использованием технологий дистанционного зондирования земли и геоинформационной системы рассматриваются как приоритетные направления научно-исследовательских работ, направленных на эффективное использование земель пустынных территорий, обеспечения экологической стабильности и изучения природных процессов, вызванных изменением климата. В связи с этим в нашей стране особое внимание уделяется исследованиям, направленным на поиск национальных и региональных решений глобальных проблем на основе геопространственных данных, в том числе исследованиям состояния пастбищных земель с учетом природных факторов.

В нашей республике реализован ряд реформ, направленных на рациональное использование пастбищных земель, предотвращение их опустынивания и засоления и достигнуты определенные результаты. Стратегия развития Нового Узбекистана 2022-2026 годы свключает такие задачи, как «...эффективное использование пастбищ, восстановление и повышение урожайности»¹. При реализации этих задач важное значение приобретает наличие достоверной информации о состоянии сезонно используемых пастбищных земель за короткий промежуток времени, и на их основе правильное планирование продолжительности использования пастбищных земель, заблаговременное предупреждение о негативных последствиях природных воздействий, а также создание постоянно обновляемой базы данных с использованием цифровых технологий для принятия необходимых мер.

Исследования, проведенные в данной диссертационной работе в определенной степени способствует реализацию задач, поставленных Указом Президента Республики Узбекистан “Об утверждении стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020 – 2030 годы” от 23 октября 2019 года № УП-5853, протоколом заседания Кабинета Министров Республики

¹Указ Президента Республики Узбекистан «Стратегия развития нового Узбекистана на 2022 – 2026 годы» от 28.01.2022 г. № УП-60

Узбекистан от 10 марта 2017 года № 03-35-14 “О мерах по организации эффективного использования пастбищ и сенокосов” и постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан “О мерах по дальнейшему совершенствованию порядка определения границ административно-территориальных единиц, инвентаризации земельных ресурсов и проведения геоботанических обследований пастбищ и сенокосов” от 23 апреля 2018 года № 299 и другими нормативно-правовыми актами, связанными с данной деятельностью.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики III «Развитие информационно-коммуникационных технологий» и IV «Сельское хозяйство, биотехнология, водные проблемы, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Анализ отраслевой научной литературы показывает, что ряд научно-исследовательских работ, такие как научное обоснование влияния поголовья скота на пастбищную растительность, определение степени опустынивания пастбищных земель, оценка растительного покрова на сухих степных пастбищах, составление геоботанических карт пастбищной растительности, научное обоснование влияния климатических факторов на пастбищные земли, проводились зарубежными и отечественными учеными. Теоретические и методологические основы исследования пастбищных земель на основе данных ГИС технологий и дистанционного зондирования были разработаны учеными зарубежных стран С.Н.Гасковым, Н.С.Карповым, Факхире Акбар, О.М.Бердаевой, Е.И.Троевой, А.К.Саидовым, Е.В.Понкиной, М.Дж.Махамбетовым, С.С.Шинкаренк, Л.Д.Немцевой, C.DI Bella, Osvaldo Jose Ribeiro Pereira, Lenardo Parente, Laerte Ferreira, Juline Oliveria, Sana Ilyas, T.Berdimbetov и др. проводились исследования по изучению состояния пастбищ и растительности на основе индекса вегетации, и большинство разработанных ими предложений и рекомендаций используются и сегодня.

